

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**36-сон**  
**(120)**  
**2004 й.**  
**сентябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

399. «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юкори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги 415-сон қарори
400. «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарори
401. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги 420-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

402. «Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 18 августдаги 45-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия*

*вазирлиги томонидан 2004 йил 6 сентябрда 1402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

403. «Пахта толасини комплекс қайта ишлайдиган корхоналарни қуриш, қайта ихтисослаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акционерлик компаниясининг 2004 йил 3 сентябрдаги 42, 105, ЭГ-01/10-3501 ва 1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 8 сентябрда 1403-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
404. «Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 9 августдаги 01-02/12-32-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 9 сентябрда 1404-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
405. «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 2 сентябрдаги 295-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 10 сентябрда 1405-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 4 сентябрдан 10 сентябргача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **399** Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги 150-сон қарори билан тузилган Махсус комиссия томонидан қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларида тартиб ўрнатиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

2004/2005 ўқув йилида қишлоқ хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилишни режалаштиришда Махсус комиссиянинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини такомиллаштириш бўйича таклифлари ҳисобга олинган — 28 бакалавриат йўналишидан 10 йўналишга ўзгартиришлар киритилди ва 7 мутахассислик бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилди. Шу билан бирга 7 янги истиқболли мутахассислик киритилди. Ўқитишнинг янги — фермер хўжалигини бошқариш йўналиши қабул қилинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишларнинг аҳволига танқидий баҳо бериш бир қанча камчиликлар ва бузилишлар мавжудлигини кўрсатди, эскирган, ўз долзарблигини йўқотган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш давом этмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг малака даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Собиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ходимларининг 28 фоиздан ортиғи, шу жумладан факультетлар раҳбарларининг 44 фоизи ва кафедра мудирларининг 29 фоизи аттестациядан ўтмади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиётини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда, Махсус комиссиянинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари бўйича бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторига ўзгартиришлар киритсин, уларни алоҳида «Қишлоқ ва сув хўжалиги» таълим йўналишига жамласинлар;

таълим йўналишларига қишлоқ ва сув хўжалигининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб тузатишлар киритган ҳолда бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторини ҳар уч йилда қайта кўриб чиқсинлар;

қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида янгидан жорий этилган — фермер хўжалигини бошқариш мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Ушбу муҳим устувор вазифани ҳал этиш учун:

2004/2005 ўқув йили мобайнида замонавий талабларга жавоб берадиган, фермер хўжалигини юритиш назарияси ва амалиёти билан уйғунлашган сифатли ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин;

ўқувчилар контингенти устун даражада ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўз малакасини контракт асосида оширишга тайёр бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари орасидан танлаб олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қайта ташкил этилган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини тегишли кафедралар, профессор-ўқитувчилар таркиби сони, талабалар контингенти ва моддий-техник база билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетига бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус филиали ташкилий тузилмаси 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд ва Андижон қишлоқ хўжалиги институтларининг уставларини белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин.

Махсус комиссия (Р. Азимов) Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг ташкилий-кадрлар хизмати билан биргаликда қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларини бошқаришнинг янгидан тасдиқланган тузилмаларини ва аттестация яқунларини ҳисобга олган ҳолда раҳбар кадрларни ва профессор-ўқитувчилар таркибини, биринчи навбатда, проректорлар, деканлар, кафедра мудирларини танлашни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига факультетлар ҳузурида илмий тадқиқотлар жараёнига қобилиятли талабаларни фаол жалб этган ҳолда аграр фаннинг устувор йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари (илмий-муаммоли лабораториялар) ташкил этишга доир таклифлар киритсинлар.

7. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ

ёшларини қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларида ўқишга жалб этиш учун 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари ҳузуридаги академик лицейларнинг ўқувчилари контингентини устун даражада қишлоқ мактабларининг битирувчилари ҳисобига шакллантирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари талабаларда мустаҳкам касб кўникмаларини шакллантириш, тажриба-ишлаб чиқариш синовлари ўтказиш ва илмий тадқиқотлар натижаларини жорий этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари қошидаги ўқув-тажриба хўжаликлари мақомини қайта кўриб чиқсинлар, уларга 300 гектаргача экин майдони бириктирилсин.


9. «Истеъдод» жамғармаси (Р. Қосимов) қишлоқ ва сув хўжалиги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибини мақсадли стажировка орқали қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни назарда тутсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.


**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 сентябрь,  
415-сон


**Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг ташкилий тузилмаси**



### Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг факультет ва кафедралари




### Тошкент давлат аграр университетининг ташкилий тузилмаси






2-илованинг давоми


**Тошкент давлат аграр университетининг факультет ва кафедралари**



**Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг ташкилий тузилмаси**




### Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси




З-ИЛОВАНИНГ ДАВОМИ

**Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг факультет ва кафедралари**



**Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **400** Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида

Маънавий баркамол ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш, жисмоний имкониятлари чекланган болалар, нотинч оилалар болалари ёки ота-оналари қаровисиз қолган болаларнинг тўлиқ ижтимоий мослашувини таъминлаш, кўрсатиб ўтилган тоифадаги болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлигини жамиятнинг маънавий-ахлоқий асослари ва негизини мустаҳкамлашнинг мажбурий шarti сифатида жамоатчилик онгига сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этилсин.

2. Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Устави ва тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин, унинг ходимларининг чекланган сони 15 нафар этиб белгилансин (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари).

Белгилаб қўйилсинки, Марказ директори Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади ва ўз фаолияти тўғрисида унга ҳисобот беради.

Марказ директорига, зарурат бўлганда, Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: жисмоний имкониятлари чекланган болалар (ногиронлар, жисмоний нуқсони бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан азоб чекувчи болалар) ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларнинг (етимлар, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларнинг қаровисиз қолган болалар, нотинч оилаларнинг болалари) ижтимоий мослашуви муаммоларини ўрганиш, кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек болалар ўртасида жисмоний имкониятлари чекланган, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келадиган омилларнинг салбий таъсирини камайтириш;

болаларнинг алоҳида ночор гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий мослаштириш соҳасида Ватан тажрибасини, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш, болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари билан шуғулланувчи давлат муассасалари ва нодавлат муассасаларнинг амалий фаолиятида улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

имкониятлари чекланган, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болалар билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ўрганиш, замонавий талабларни ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда тизимнинг самарадорлигини оширишга доир комплекс дастурлар ишлаб чиқиш;

болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари бўйича ўқув-методик ва маълумотнома қўлланмаларнинг ҳолати ва сифатини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

болаларнинг мақсадли гуруҳларига, жумладан эълон қилинган Меҳр ва муруват йили доирасида мўлжалланган тадбирларга тегишли давлат дастурлари ва жамоат лойиҳалари бажарилиши мониторингини олиб бориш, уларни амалга ошириш самарадорлигини кучайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

болаларнинг ижтимоий мослашуви муаммоларини ўрганиш ишларини, ушбу соҳада маърифий ва ташкилий-тарғибот тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-таҳлилий материалларни, статистика материалларини ва бошқа материалларни олишда Марказга кўмаклашсинлар;

жисмоний имкониятлари чекланган, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болалар билан ишловчи давлат муассасалари ва нодавлат муассасаларнинг Марказ билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминласинлар.

5. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларининг материаллари бир нусхадан мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг статистика ахборотномалари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш. Шоғуломов), «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси (Б.Ш. Алимов) Марказнинг кутубхона фондиди тўлдириш учун даврий матбуот нашрлари ва китоб маҳсулотлари (махсус тиббий, тарбиявий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар) бир нусхадан Республика болалар ижтимоий мослашуви марказига текин берилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С.Б. Раҳимов) жорий 2004 йилда, шунингдек кейинги йилларда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини ташкил этиш ва унинг жорий таъминоти учун асосланган буюртма-номаларга кўра Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига маблағ ажратсин.

8. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ягона тариф сеткаси бўйича Марказ ходимларининг лавозим маошлари схемасини тасдиқласин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Р.М. Шоабдурахмонов) бир ой муддатда Республика болалар ижтимоий мослашуви марказига бино ажратсин, унинг фаолиятини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни таъминласин, зарурат бўлганда, берилган биноларни таъмирласин, телефон алоқаси билан таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Т. Иномова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 7 сентябрь,  
419-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг УСТАВИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги жисмоний имкониятлари чекланган (ногиронлар, жисмоний нуқсони бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан азоб чекувчи болалар), шунингдек ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли бошқа гуруҳларга кирадиган болаларни (етимлар, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган болалар, нотинч оилалар болалари) ижтимоий мослаштириш муаммоларини ишлаб чиқувчи мустақил ташкилот ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

3. Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Уставга амал қилади.

4. Марказнинг юридик номи:

давлат тилида — Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази;

рус тилида — Республиканский центр социальной адаптации детей;

инглиз тилида — The Republican Center for Social Adaptation of Children.

5. Марказ Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида жойлашган.

6. Марказ юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, валюта ҳисоб рақамларига ва бошқа ҳисоб рақамларига, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга ҳамда ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа хизмат белгилари ва реквизитларга эга бўлади.

7. Марказ қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ ташкил этиладиган бўлимлар ва филиалларга эга бўлиши мумкин.

### **II. Марказнинг мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишлари**

8. Ногирон болаларни, жисмоний нуқсони бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан азоб чекувчи болалар, шунингдек етимлар, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган, нотинч оилалар болалари муаммоларини ишлаб чиқиш ва улар тўлақонли ижтимоий-тиббий мослаштирилишини таъминлашга қўмаклашиш Марказ фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

9. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

жисмоний имкониятлари чекланган болалар (ногиронлар, жисмоний нуқсони бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан



азоб чекувчи болалар) ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларнинг (етимлар, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларнинг қаровисиз қолган болалар, нотинч оилаларнинг болалари) ижтимоий мослашуви муаммоларини ўрганиш, кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек болалар ўртасида жисмоний имкониятлари чекланган, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келадиган омилларнинг салбий таъсирини камайтириш;

болаларнинг алоҳида ночор гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий мослаштириш соҳасида Ватан тажрибасини, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш, болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари билан шуғулланувчи давлат муассасалари ва нодавлат муассасаларнинг амалий фаолиятида улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

имкониятлари чекланган, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болалар билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ўрганиш, замонавий талабларни ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда тизимнинг самарадорлигини оширишга доир комплекс дастурлар ишлаб чиқиш;

болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари бўйича ўқув-методик ва маълумотнома қўлланмаларнинг ҳолати ва сифатини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

болаларнинг мақсадли гуруҳларига тегишли давлат дастурлари ва жамоат лойиҳалари бажарилиши мониторингини олиб бориш, уларни амалга ошириш самарадорлигини кучайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

### III. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар, соғлиқни сақлаш муассасалари мутахассисларини, нодавлат ташкилотлар вакилларини, шунингдек хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан Марказга юкланган вазифалар доирасида зарур ахборотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

асаб ва руҳияти бузилган, жисмоний нуқсони бўлган, ногирон ва сурункали оғир касалликларга чалинган болаларнинг, шунингдек етим болалар, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

болаларни ижтимоий мослаштириш муаммоларини ўрганиш соҳасида тадқиқот грантларини олиш учун Фан ва технологиялар маркази томонидан ўтказиладиган танловларда қатнашиш;

халқаро ҳамкорлик дастурларида қатнашиш, халқаро ташкилотлар, жамғармалар, марказлар, ўқув юртлари билан биргаликда хайрия тадбирлари ўтказиш, тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

шартнома асосида илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий-амалий ишларни ва ишланмаларни амалга ошириш, болаларни ижтимоий мослаштириш соҳасида маслаҳатлар бериш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, болаларни ижтимоий-психологик реа-

билитация қилиш ва мослаштириш муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий шарҳлар, маърузалар ва ахборотномалар чиқариш;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси билан келишган ҳолда мамлакат минтақаларида филиаллар ва бўлимлар ташкил этиш.

Марказ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланган фаолият турлари Марказ томонидан тегишли органлардан лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

11. Марказ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига ҳар йили болаларни ижтимоий-психологик мослаштириш масалалари бўйича ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

#### **IV. Марказ тузилмаси ва бошқарув органлари**

12. Марказ тузилмасига:

Жисмоний имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш муаммоларини тадқиқ этиш лойиҳаси;

Ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган болаларни ижтимоий мослаштириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларини ўрганиш лойиҳаси;

Ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болалар (нотинч оилалар, болалар жиноятчилиги) билан ижтимоий-тарбиявий ишлар олиб бориш муаммолари лойиҳаси;

Болаларни ижтимоий мослаштиришнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш лойиҳаси;

бухгалтерия;

юримдик хизмат;

хўжалик таъминоти бўлими киради.

Марказ олдида турган вазифаларни самарали бажариш мақсадида болаларни ижтимоий мослаштириш муаммолари бўйича белгиланган тартибда бошқа лойиҳалар ҳам ташкил этилиши мумкин.

13. Болаларнинг мақсадли гуруҳларини ижтимоий мослаштиришнинг энг долзарб муаммоларини ишлаб чиқиш, уларни ҳал қилиш юзасидан самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун Марказда шартнома асосида бошқа муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда вақтинчалик ишчи гуруҳлар ва лойиҳалар тузилиши мумкин.

14. Марказ фаолияти билан боғлиқ вазифаларни самарали ҳал этиш учун Марказнинг етакчи мутахассислари, вазирликлар ва идоралар, давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотлар экспертларидан иборат таркибда директор бошчилигида Илмий-методик маслаҳат кенгаши ташкил этилади, Кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида ҳамда Кенгаш тўғрисидаги тегишли низомга мувофиқ амалга оширади.

Илмий-методик кенгаш тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланади.

15. Марказга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган директор бошчилик қилади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида унга ҳисобот беради.

16. Марказ директори:

Марказ фаолиятига раҳбарлик қилади ва Марказга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда Марказ номидан вакиллик қилади;

белгиланган тартибда ходимларнинг штат жадвалини, уларни моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш миқдорлари ва шакллари тасдиқлайди, таклиф этиладиган мутахассислар учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини белгилайди;

Марказ ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси билан келишган ҳолда Марказ фаолиятининг йиллик иш режаларини тасдиқлайди;

ҳар бир йил якунларига кўра Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига Марказ фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

Марказ томонидан ташкил этилган бўлимлар ва филиаллар фаолиятини назорат қилади.

Директор Марказнинг жорий фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.

17. Марказ директори, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган сони доирасида Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

#### **V. Марказни молиялаштириш манбалари ва унинг мол-мулки**

18. Қуйидагилар Марказни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида бажариладиган ишлар учун Марказ фаолиятидан олинган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар.

19. Асосий фондлар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар) ҳамда айланма маблағлар, шунингдек қиймати Марказнинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар Марказнинг мол-мулкини ташкил қилади.

20. Шартнома асосида бажарилган ишлар учун Марказ томонидан олинган даромад солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин мазкур Уставда белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

#### **VI. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат**

21. Марказ ўз фаолияти натижаларининг тезкор бухгалтерия ҳисобини, статистика ҳисоботини юритади, ҳисобот маълумотлари ва баланс ҳисоб-китобларининг ишончлилигини таъминлайди.

22. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

#### **VII. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

23. Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **401** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 2003 йил 28 октябрдаги 470-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, Фанлар академияси иштирокида тузилган махсус комиссия томонидан Фанлар академиясининг асосий фондлари хатловдан ўтказилганлиги ҳамда сотиладиган ва ҳисобдан чиқариладиган мол-мулкнинг рўйхати белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг кўчмас мулк биржаси орқали белгиланган тартибда сотиладиган объектлари рўйхати 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда махсус комиссия томонидан хатловдан ўтказиш натижаларига кўра аниқланган мол-мулкни ҳисобдан чиқариш ва сотиш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг муассасалари 1-иловада кўрсатилган объектларни, шунингдек хатлов натижаларига кўра аниқланган приборлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликларни сотишдан оладиган тушумлар бўйича даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин, тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, биринчи навбатда, илмий-техника ва лаборатория асбоб-ускуналари харид қилишга мақсадли йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тушадиган маблағлар Фанлар академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган ҳолда мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин. Маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда бошқа мақсадларда фойдаланилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджет даромадига олиб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йилдан бошлаб Фанлар академиясининг 2-иловага\* мувофиқ объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини уларнинг устуворлигидан келиб чиқиб ҳамда ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритиш тўғрисида Фанлар академиясининг таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йилда ва кейинги йилларда тасдиқланадиган бюджет параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига:

экспериментал ер участкаларига ишлов бериш учун зарур трактор техникаси, Фанлар академиясининг тадқиқот муассасалари томонидан сейсмологик, биологик,

---

\* 1, 2-иловалар берилмайди.

археологик, геологик-геофизик илмий экспедициялар ўтказиш учун махсус ва юк автотранспорти харид қилиш;

Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари бинолари, иншоотлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини мукамал таъмирлаш;

замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, приборлар ва фан эҳтиёжлари учун ядро ёқилғиси харид қилиш учун маблағ ажратишни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Фанлар академияси ва Молия вазирлиги билан биргаликда Фанлар академиясининг миллий бойлик ҳисобланган нодир илмий қурилмалари, махсус объектлари ва иншоотлари, музейлари ва кутубхоналари таъминотига ҳар йили зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

6. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларини замонавий илмий-техника асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун грантлар, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий ташкилотларнинг беғараз ёрдамини жалб қилишда Фанлар академиясига қўмаклашсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 7 сентябрь,  
420-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ  
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**402 Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 сентябрда 1402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қоидалар кучга кирган санадан эътиборан Фан ва техника давлат комитети раиси томонидан 1997 йил 15 августда тасдиқланган Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва уларни кўриб чиқиш учун қоидаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат патент идораси директори в.б. В. ЕРМОЛАЕВА**

Тошкент ш.,  
2004 йил 18 август,  
45-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ  
«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ДАК  
ҚАРОРИ

**403** Пахта толасини комплекс қайта ишлайдиган корхоналарни қуриш, қайта ихтисослаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 8 сентябрда 1403-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 18 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 240-сонли, 2003 йил 16 октябрдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толасини сотиш механизми тўғрисида»ги 447-сонли ва 2003 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги 526-сонли қарорларига мувофиқ **қарор қилади:**

1. Илова\* қилинаётган Пахта толасини комплекс қайта ишлайдиган корхоналарни қуриш, қайта ихтисослаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 сентябрь,  
42-сон

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 сентябрь,  
105-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Раиси Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 сентябрь,  
ЭГ-01/10-3501-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.



Тошкент ш.,  
2004 йил 3 сентябрь,  
1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**404** Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
9 сентябрда 1404-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 19 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунига ва Божхона кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Раис ўринбосари С. Носиров зиммасига юклатилсин.

**Давлат божхона қўмитаси Раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 август,  
01-02/12-32-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ «ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **405** Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
10 сентябрда 1405-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 20 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апрелдаги 210-сонли «Собиқ СССРнинг қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга асосан **буюрман:**

1. Илова\* қилинаётган «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари. I қисм», тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан сўнг кучга киритилсин.
3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб СССРнинг энергетика ва электрлаштириш вазири томонидан 1989 йил 20 февралда тасдиқланган «Электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилмасин.
4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ТЕШАБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 сентябрь,  
295-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 4 сентябрдан 10 сентябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 18 августдаги 45-сон буйруғи.*

**2004 йил 6 сентябрда 1402-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 сентябрдан кучга киради).**

2. «Пахта толасини комплекс қайта ишлайдиган қорхоналарни куриш, қайта ихтисослаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акционерлик компаниясининг 2004 йил 3 сентябрдаги 42, 105, ЭГ-01/10-3501 ва 1-сон қарори.*

**2004 йил 8 сентябрда 1403-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 18 сентябрдан кучга киради).**

3. «Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 9 августдаги 01-02/12-32-сон қарори.*

**2004 йил 9 сентябрда 1404-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 19 сентябрдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 2 сентябрдаги 295-сон буйруғи.*

**2004 йил 10 сентябрда 1405-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 20 сентябрдан кучга киради).**

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (138-сон) 2003 йил 31 декабрдаги буйруғи.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.